



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

|  |     |
|--|-----|
| <b>Анвар Нематович Холиқулов</b><br>"ZILOL BAXT" меҳмонхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари                                  | 78  |
| <b>Ibragim Xudayarovich Nimatov</b><br>Zamonaviy turizmда motivlashtirishga ta'sir etuvchi omillar tahlili   | 82  |
| <b>Sarvinoz Ashurova</b><br>The importance of Guest houses in the tourism industry of Uzbekistan   | 87  |
| <b>Собир Худойбердиевич Махмудов</b><br>Тарихий-маданий туризм салоҳияти ва уни баҳолаш  | 92  |
| <b>Шахноза Шомуротовна Тошпулатова</b><br>Навоий вилоятининг тарихий - архитектура ёдгорликларидан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари                            | 97  |
| <b>Gulmira Rabbonovna Tursunova, Diyora Istamovna Ochilova</b><br>O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishning italiya tajribasi                        | 100 |
| <b>Mahliyo Yaxshiboy qizi Umarova</b><br>O'zbekistonning mavjud turizm salohiyatidan kengroq foydalanish yo'llari hamda xususiyatlari                            | 104 |
| <b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b><br>Музей туризмни ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили  | 107 |
| <b>Фарух Тохирович Шукуров</b><br>Туризм соҳасидаги тадқиқотларнинг эпистемологияси ва билимларнинг манбалари  | 112 |
| <b>Akmal Odilovich Odilov</b><br>Turizm sohasida marketing tadqiqotlarining  | 115 |
| <b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>  |     |
| <b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b><br>Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни бошқариш ва уни такомиллаштириш   | 118 |
| <b>Хасан Абдусаидович Рахимов</b><br>Туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари | 121 |
| <b>Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова</b><br>Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизмларининг эволюцияси   | 127 |
| <b>Лариса Алижоновна Мусабаева, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b><br>Истеъмол бозорини ривожлантиришнинг дастурий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари     | 132 |
| <b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>  |     |
| <b>Шахноза Сайдуллаевна Музрапова</b><br>Инвестицион мулк ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари  | 137 |
| <b>Обид Мамаюнович Пардаев</b><br>Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари                | 142 |
| <b>Saida Azatovna Sheraliyeva</b><br>Erkin iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish  | 147 |
|  |     |

Обид Мамаюнович Пардаев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, департамент директорининг биринчи ўринбосари, СамИСИ тадқиқотчиси, PhD.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ “ЗХ+ФКИ” МОДЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация:** мақолада хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари қараб чиқилган. Бунда ушбу моделнинг изохи билан бирга қўлланилиш мумкин бўлган соҳалари ҳам келтирилган. Шунингдек, ушбу моделдан фойдаланишнинг бугунги кун талабидан келиб чиқадиган стратегик йўналишлари ҳам ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестицион муҳит, хизмат кўрсатиш соҳаси, коммунал хизматлар, ишончлилиқ, “ЗХ+ФКИ” модели, стратегия, стратегик йўналишлар.

**Кириш.** Сўнгги йилларда Ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизнинг инвестиция сиёсатига катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598–сонли “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши, мамлакатимизда маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётида хизматлар соҳасининг улушини ошириш, жойларда ушбу йўналишдаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда турларини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 майдаги ПҚ-5113 – сонли “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 октябрдаги ПҚ-4862 – сонли “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори билан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, бунда, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича амалга ошириладиган аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбари томонидан, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга ҳудудлар кесимида эътибор қаратмоқда, мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 августдаги ПҚ-4810 – сонли “Хоразм вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда, Хоразм вилоятида мавжуд саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш, ҳудудга инвестицияларни кенг жалб этиш ва инфратузилмаларни такомиллаштириш ҳамда бу орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш кўзда тутилган.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг барчаси мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш учун инвестицияларни сафарбар қилишга қаратилган. Булардан ҳам кўришиб турибдики, ушбу мавзу бугунги кунда мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш учун ўта долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Хизмат кўрсатиш соҳасига, хусусан коммунал хизматларга инвестицияларни жалб қилишда “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишларини кўриб чиқиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон,

таҳлил ва синтез, жонли мушоҳада, мантикий таҳлил каби усуллардан ҳам фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Жамият тараққиёти, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, тадбиркорнинг фойда олиши, буларнинг барчаси мақсадли инвестиция қилиш билан бевосита боғлиқ.

Инвестор, маблағ эгаси, ўз капиталини янада кўпайтириш ҳамда фойда олиш мақсадида бизнес оламига кўяди. Бу олам мамлакат нуқтаи назаридан қараладиган бўлса ички ва ташқи турларга бўлинади. Ички инвестиция – бу асосан мамлакат ичидаги бизнес ва бошқа нафли жараёнларга кўйилади. Ташқи инвестиция эса мамлакатимиздан ташқаридаги бизнес жараёнларга йўналтирилади. Агар инвестициялар хизмат кўрсатиш соҳасига мўлжалланган бўлса, ичкарида ҳам, ташқарида ҳам ушбу соҳага йўналтиради.

Инвестициялар молиялаштириш механизмларидан келиб чиқиб, хорижий, хусусий, давлат ҳамда давлат ва хусусий шерикчилик кўринишида бўлади. Барчаси механизмларда асосий мақсад – маблағларни фойда олиш эвазига кўпайтиришга қаратилган бўлади. Шу туфайли инвесторлар томонидан маблағларнинг лойиҳаларни амалга оширишга йўналтиришда, турли хавф-хатарлардан холи бўлишга ҳаракат қилинади.

Инвестицияни жалб қилиш ҳамма жойда, ҳамма вақтда, ҳамма тармоқларда мавжуд. Шу муносабат билан, ушбу категорияга тегишли бўлган бирорта моделни ишлаб чиқиш ҳозирда **объектив зарурият ҳисобланади**. "Модель" бу бир нарсани идеаллаштиришда, кичиклаштирилган ҳолда ифодалашга қаратилади. Шу туфайли ушбу атама фан, санъат, илмий тадқиқот ишлари, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда илмий тадқиқотлардаги "модель" атамаси реал дунёдаги иқтисодий жараёнларни тушуниш, таҳлил қилиш ва башорат қилиш учун ишлатиладиган мутлоқ ва соддалаштирилган тасвирларни ўзида ифода этади. Шу туфайли иқтисодий моделлар ҳам бошқа моделлар сингари ўзгарувчанлар ўртасидаги муносабатларни ифодалайдиган математик тенгламаларда, графикларда ёки турли чизмалар шаклида бўлади. Умуман олганда моделлар иқтисодиётга оид фанларнинг назарияларини, уларнинг амалиётдаги ифодаланишини, сиёсат чора-тадбирларининг потенциал таъсирини баҳолашда, микро ва макроиқтисодий даражалардаги иқтисодий-ижтимоий жараёнларни англашда фойдаланилади.



1-расм. "3X+FKI" моделининг ўзаро боғлиқликлари

Тадқиқотларимиз давомида маълум бўлдики, хизматлар соҳасига, шу жумладан, коммунал хизматларга инвестицияни жалб қилишда ҳам бошқа соҳалар сингари юқоридаги моделга, яъни “хавф-хатардан холи, фойда келтирадиган ишончли” бўлишлигини тақозо қилади. Буларнинг ўзaro боғлиқлиги қуйидаги расмда ўз аксини топган (*1-расм*).

Тадқиқотлар натижасида инвестицияни жалб қилишга қаратилган иқтисодий жараёнларни ўзида мужассам этган моделни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Қўйиладиган инвестиция биринчи галда хавф-хатардан холи, фойда келтирадиган ишончли бўлиши лозим. Бундай масъулиятли мажбуриятларни ўз ичига оладиган модель “ЗХ+ФКИ” номи билан аталиши мақсадга мувофиқ.

Моделда:

“ЗХ” қисми – бу инвестициянинг хавф-хатардан холилигини англатади. Бунда 3 та “Х” билан боғлиқ сўзларнинг бирикмаси мавжуд. Ушбу ҳолат ҳар қандай инвестиция, қачон, қайси соҳага қўйилишидан қатъи назар, фойда олишга эришадиган, барқарор равишда кўпайиб борадиган хавф-хатардан холили бўлиш лозимлигини тақозо қилади;

“ФКИ” эса, ўз навбатида, инвестиция йўналишининг фойда келтирадиган ишончли бўлиши лозимлигини англатади Бу “Фойда”, “Келтирадиган” ва “Ишончли” сўзларнинг бирикмасидан таркиб топади.

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, хавф, хатардан холи бўлиши бевосита инвесторга фойда келтириш имкониятини яратади. Бунга инвестор ишонч ҳосил қилганидан кейин инвестициялар оқими ва жамиятнинг тараққиётининг барқарорлиги таъминланади. Шу туфайли ушбу модель мамлакатимизга инвестицияларнинг ташқи ва ички манбалардан жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, инвестицияларни тегишли соҳаларга, хусусан коммунал хизматлар соҳасига мақсадли равишда жалб қилиш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, жумладан:

**Биринчидан**, инвестор бирор мамлакатга инвестиция киритишда, узининг фойдасини кўзлаб иш тутати. Шу туфайли мамлакатимизда инвесторлар учун кафолатланган ва хавфсиз муҳит яратилишига эришиш лозим бўлади. Бу айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида, хусусан коммунал хизматларда янада муҳимдир. Чунки ушбу соҳада, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан инвестицияларнинг қайтими ҳаминша кафолатланган бўлмайди. Бунинг учун давлат кафолатларни тўлиқ таъминлаган ҳолда ишончли тадбирларни амалга оширишлари лозим бўлади.

**Иккинчидан**, хорижий инвестицияларнинг бир қисмини таълим сифати ва самарадорлигини оширишга жалб қилиш лозим бўлади. Бунда, инвестицияларнинг кафолатланган тарзда қайтарилишига ҳам маълум даражада давлат кафолат бериши лозим бўлади. Таълим соҳасида ҳозир назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган дуал таълим тизими жорий қилинмоқда. Шу туфайли амалиёт ўтадиган объектлар билан таъминланиши бугунги кунда ўта муҳимдир.

**Учинчидан**, олий ўқув юртлари ва илмий ташкилотларда бугунги кундаги долзарб масалалар туркумига кирувчи экология, тупроқ унумдорлиги, сувни тежаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, “яшил” иқтисодиёт ва юқори технологик саноат соҳаларидаги тадқиқотларига грант маблағларини инвестиция шаклида жалб қилиш лозим. Бунда, ташқи инвестиция маблағлари билан бир қаторда ички имкониятлардан келиб чиқиб, молиялаштириш механизмининг жорий қилиниши долзарб ҳисобланади. Шуни қайд этиш жоизки, ушбу соҳага қўйилган инвестиция тез орада самара бермайди. Шу туфайли инвестиция узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши билан бирга муддати келганда унинг қайтиши кафолатланган бўлиши лозим.

**Тўртинчидан**, инновацион ғояларга инвестицияларни жалб қилишда, хусусий секторни ҳам жалб қилиш ва тегишли имтиёзлар билан рағбатлантирилиши мақсадга

мувофиқ. Зеро, бугунги кунда хусусий сектор мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида, айниқса янги иш ўринларини яратишда ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш орқали камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли хусусий сектор инвестицияларининг қайтими ҳам кафолатланган, унинг хавфсизлиги тўлиқ таъминланган бўлиши лозим.

**Бешинчидан**, мамлакатимиз иқтисодий ўсишини таъминлашда 2030 йилгача мўлжалланган вазифаларни таъминлаш учун давлат, хорижий ва хусусий сектор инвестицияларини мақсадли жалб қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Қиймати жиҳатидан йирик лойиҳаларга хорижий ва давлат инвестициялари, нисбатан кичик лойиҳаларга, хусусий инвесторлар маблағларининг жалб қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда, асосий эътибор аҳолининг фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири бўлган коммунал хизматлар сифатининг яхшиланишига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

**Олтинчидан**, инвестициянинг ҳалоллиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу соҳада коррупцион элементларга бутунлай барҳам бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, коррупцион ҳолатлар мавжуд йўналишларда, масалалар тўғри ҳал қилинмайди. Бунда, ҳалоллик ва шаффофлик йўқолади, давлат ва халқнинг манфаатлари биринчи даражага қўйилмайди ҳамда жамиятнинг ривожланиши барқарор бўлмайди. Шу туфайли инвестиция йўналишида ҳам бошқа соҳалар сингари коррупцион элементларнинг мавжуд бўлишига зинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

**Еттинчидан**, мамлакатимиз ҳар бир ҳудудларининг имкониятларидан келиб чиқиб, у ердаги ишсиз аҳолининг ҳолатини инобатга олган ҳолда янги иш ўринларини яратиш бўйича мақсадли инвестицияларни киритиш ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Чунки айрим ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли етарли даражада иш билан таъминланган бўлса, бошқа ҳудудда ишчи кучининг катта қисми ишсиз бўлиши мумкин. Бунда, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда иш ўринларини яратиш мақсадида, айнан ушбу ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, корхоналар ташкил қилиш, аҳолини тадбиркорликга йўналтириш ҳамда ўзини ўзи иш билан таъминлашни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан, инвестицияларни ҳудудлар бўйича тақсимланишида ушбу омиллар инобатга олинадиган бўлса, албатта унинг натижадорлиги ва самарадорлиги, шунингдек, ўз вақтида қайтими ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши таъминланган бўлади.

**Саккизинчидан**, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишда соҳанинг жозибадорлигини ошириш, инвестиция самарадорлиги бўйича реал имкониятларни очиб бериш учун жамоат назоратининг йўлга қуйилиши катта самара беради. Зеро, ҳар қандай шахс, шу жумладан инвесторлар ҳам олдиндан маълум муваффақиятларни кўзлаган ҳолда иш тутаяди. Агар инвестор инвестициясининг самарадорлигига ишонч ҳосил қилса, албатта уни сафарбар қилишдан тоймайди. Бу ўз навбатида ҳудудга ҳам, унинг аҳолисига ҳам, инвесторга ҳам тегишли наф келтириши тайин.

**Тўққизинчидан**, ҳар бир ҳудудда муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни қурилишида унинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишини инобатга олган ҳолда узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг назортини олиб боришни ташкил қилиш ҳам объектив зарурият. Аксарият ҳолда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган инвестициялар узоқ муддатга мўлжалланган бўлади. Бундай заруриятга хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунда давлат, давлат ва хусусий шерикчилик ҳамда хусусий тадбиркорларни жалб қилиш ўз самарасини бериши мумкин.

**Хулоса қилиб айтганда**, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши таъминлаш учун

ижтимоий аҳволни яхшилаш, янги иш ўринларини яратган ҳолда аҳоли бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш ҳамда инвестициялар керак бўлади. Шу туфайли Инвестиция маблағларини юқори иштиёқ билан сафарбар қилишда ҳудудлар, тармоқлар, соҳаларнинг инвестицион жозибадорлиги ошириш муҳим урин эгаллайди. Яна бир муҳим жиҳат, инвестициялар мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳолини яхшилаш орқали “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган устувор мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишига хизмат қилади ва сезиларли даражада ҳисса қўшади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони. LexUZ шарҳи.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 майида имзоланган “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 октябрда имзоланган “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 августда имзоланган “Хоразм вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
6. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 бет.
7. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари.- Т.: “Fan va texnologiyalar nashriet-matbaa uyi”, 2022. – 148 бет.
8. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
9. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Г.Ж.Жумаева Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 252 бет.

|  |  |
|--|--|
| <p><b>О.Пардаев</b></p> <p><b>Стратегические направления использования модели “ЗХ+ФКИ” при привлечении инвестиций в сферу услуг</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье рассматриваются стратегические направления использования модели “ЗХ+ФКИ” при привлечении инвестиций в сферу услуг. В ней также перечислены и объяснены области этой модели, которые могут быть применены на практике. Также были разработаны стратегические направления использования данной модели, исходя из сегодняшних требований.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инвестиция, инвестиционная среда, сфера услуг, коммунальные услуги, надежность, модель “ЗХ+ФКИ”, стратегия, стратегические направления.</p> | <p><b>O.Pardaev</b></p> <p><b>Strategic directions for using the “ЗХ+ФКИ” model of attracting investments in the service sector</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article analyses the strategic directions of using the “ЗХ+ФКИ” model of attracting investments in the service sector. It also lists and explains areas of the model that can be applied in practice. Strategic directions for using this model have also been developed, based on today's requirements.</p> <p><b>Keywords:</b> investment, investment environment, service sector, utilities, reliability, “ЗХ+ФКИ” model, strategy, strategic directions.</p> |
|--|--|

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.